

Расмий муносабат



Ижтимоий тармоқларда Термиз туманиндағи 16-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтағым мактабида (ИДУМ) ўқувчилар жорий йил 17 март куни мажбурий мәҳнатта жалб қилингандығы түғрисида материал әзілон қилинди.

Мазкур материалда көлтирилған ҳолаттар бугуннинг ўзида туман ҳокимлиги, Болалар ҳуқуқлари бўйича комиссия ҳамда туман Мактабгача ва мактаб тағлим бўлими вакиллари иштирокидаги ишчи груп томонидан 16-сонли ИДУМнинг ўзида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида жорий йил 17 март куни айрим юқори синф ўқувчилари дарс машғулотларидан кейин, 18 март кунига режалаштирилған “Наврӯз” умумхалқ байрами сайли ўтказилиши белгиланған мактаб спорт майдонида ўзларига бириктирилған (сайлда миллий таомлар кўргазмаси учун дастурхон ёзишга ажратилған) ҳудуддаги тошларни тозалаш ва деворга гилам тутиш каби ишларни синф раҳбарлари ва мактаб маъмурияти хабарисиз ўзбошимчалик билан бажаришган. Бу вақтда юқори синфларнинг синф раҳбарлари дарс машғулотларида бўлганлиги сабабли ўқувчилар назоратсиз қолдирилган.

Ушбу ҳолат юзасидан мактаб маъмурияти ва синф раҳбарлари иштирокида муҳокама йиғилиши ўтказилған ва ўқувчиларни назоратсиз қолдирғанлиги учун синф раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш бўйича қарор қабул қилинган.

Ишчи груп томонидан ўтказилған ўрганиш давомида ушбу ҳолатда ўқувчилар мажбурий мәҳнатта жалб қилинмагандығы, синф раҳбарларининг эътиборсизлиги сабабли ўқувчилар дарс машғулотларидан кейин (!) назоратсиз қолдирилғанлиги натижасида ушбу ҳолат юзага келғанлиги аниқланди.